БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 146 (1924) | 26 июль, чоршанба, 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

Пахтакор ўртоқлар!

Шуни унутмангки, ҳозирги кунларда ғўзада ҳосил қилинган ***гул бўлиқ кўсакларга айлантирилган*** *ва* ***тўла сақлаб қолинган тақдирда*** *кузги совуқ тушмасдан пишиб етилиши мумкин*

ЁШЛАР ЖАҲОН ФОРУМИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ёш дўстлар!

Ёшлар жаҳон форумининг барча қатнашчиларига ва сизларни ана шу учрашувга юборган ер юзидаги барча йигит ва қизларга табрик сўзларини йўллаш билан ғоят мамнунман. Турли ирқ ва турли миллатларга, турли маслак ва динларга мансуб бўлган ёшларнинг биргаликда учрашиб, бутун дунёни ташвишлантираётган энг муҳим проблемаларни муҳокама қилишга қарор берганликлари мақбул бир ишдир.

Қашшоқлиқ, касаллик, ҳуқуқсизлик ва эксплуатацияни абадий йўқотиш учун, кишиларнинг тинч яшашини таъминлаш, барча халқларнинг мустамлакачилик зулмидан озод бўлишларига эришиш, социал тараққиёт учун кураш шундай олижаноб мақсаддирки, турли авлодларга мансуб бўлган миллион-миллион кишилар ўзларининг бутун куч, ғайрати ва билимларини ана шу олий мақсадни рўёбга чиқариш учун бағишлаб келдилар ва бағишламоқдалар.

Ёшлар қудратли, жўшқин, жанговар куч бўлиб, инсониятнинг ўз порлоқ истиқболи учун олиб бораётган курашида актив қатнашмоқдалар. Ёшлар тинчлик ишини ҳимоя қилиш билан реакцион кучлар тамонидан бўладиган ҳар қандай қасдларга қарши ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини қаттиқ туриб мухофаза киладилар.

Ёшлар халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун, тинч-тотув яшаш учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш, шу жумладан ядро қуролини тақиқлаш учун тобора қатъий ҳаракат қилмоқдалар. Ёш авлод одамни эзишнинг энг разил формаси бўлган мустамлакачиликка қарши халқлар томонидан олиб борилаётган фидокорона курашга катта ҳисса қўшмоқда. Ёш авлод озодлиқ ва ва миллий мустақилликни курашиб қўлга киритган мамлакатларнинг миллий экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда актив қатнашмоқда.

Бутун дунё халқлари Ғарбдаги реакцион кучларнинг инсониятни жуда оғир оқибатлар келтирадиган ядро уруши гирдобига ташлашни хоҳлаётганликларидан кўз юма олмайдилар. Европада ана шу кучлар халқларнинг хоҳиш-иродасига қарамай, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва Ғарбий Берлин проблемасини ҳал этиш асосида Германия проблемасини ҳал этишдан бош тортиб зўр бериб уруш ўчоғини вужудга келтирмоқдалар.

Аммо жаҳон халқлари ҳозирги кунда инсониятни ҳалокатга дучор қилмоқчи бўлган тентакларни жиловлаб қўйишга қодирдирлар. Ер юзидаги барча халқлар, барча ёшлар тинчлик учун курашадиган бўлсалар, мустаҳкам тинчлик бўлишини таъминлаш мумкин. Бу курашда барча мамлакатлардаги йигит ва қизларнинг куч-ғайратини ошириш ва биргалашиб ҳаракат қилишни таъминлаш — турмушнинг ўзи ёш авлод олдига қўйган олижаноб вазифадир.

Ёшларнинг тинчликка даъват этган садоси нечоғлик кучли янграса, биз ҳар қандай қурол-яроғ йўқ қилинадиган ва одамлар ҳалокатли ядро уруши пайдо бўлишидан хавфсирамай, осойишта меҳнат қиладиган пайтга шу қадар тез эришамиз.

Мен шу нарсага аминманки, учрашувлар ва мунозаралар ёшларнинг бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради, тинчлик, тараққиёт ва порлоқ истиқбол учун курашда уларнинг бирлигини мустаҳкамлайди. Ёш дўстлар, сизларни чин қалбдан табриклайман ва ўз форумингизни яхши, ғоят самарали ўтказишингизни тилайман.

Н. ХРУШЧЕВ.

Москва, Кремль,
1961 йил, 25 июль.

Совет-Гана музокаралари

МОСКВА, 24 июль. (ТАСС). Бугун Кремлда Совет-Гана музокаралари бўлиб ўтди.

Музокараларда совет томонидан СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян, СССР Министрлар Советининг ўринбосари, СССР Госплани раиси В. Н. Новиков ва бошқалар қатнашдилар.

Ҳамжиҳатлик ва самимият вазиятида ўтган музокаралар вақтида ҳар иккала мамлакат ўртасида савдо-сотиқ муносабатларини, шунингдек иқтисодий ва техника ҳамкорлигини янада кучайтириш масалалари ва Совет-Гана муносабатларига доир бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шу ернинг ўзида Кремлда Совет-Гана қўшма ахбороти имзоланди. Ахборотни Гана Республикасининг Президенти ва ҳукумат бошлиғи доктор Кваме Нкрума ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев имзоладилар.

24 июлда СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Ҳукумати Гана Республикаси Президенти ва ҳукумат бошлиғи Кваме Нкрума жаноб олийлари шарафига Катта Кремль саройида қабул маросими ўтказдилар.

Қабул маросимида совет томонидан Л. И. Брежнев, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Н. А. Муҳиддинов, В. В. Гришин ва бошқа ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими вақтида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва Гана Республикасининг Президенти ва ҳукумат бошлиғи доктор Кваме Нкрума нутқ сўзладилар.

Қабул маросими ўзаро самимият ва дўстлик вазиятида ўтди.

Ёшларнинг жаҳон форуми очилди

МОСКВА, 25 июль. (ТАСС). Бугун Союзлар уйининг Колонна залида ёшларнинг жаҳон форуми очилди. Форумда 91 мамлакатдан келган ёшлар, студентлар ташкилотларининг 700 га яқин вакили қатнашмоқда. Улар ошкора ва дўстона мунозаралар вақтида XX аср ўрталаридаги ёшлар олдида турган энг муҳим проблемаларни — тинчлик ва қуролсизланиш; мустамлакачиликка қарши кураш проблемаларини, ёшларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга ва ёшларнинг жамиятда тутган ўрнига доир масалаларни муҳокама қиладилар.

Абдулла Тўхтабоев Сирдарё районидаги Карл Маркс номли колхозда механизатор бўлиб хизмат қиляпти. КПСС XXII съезди ва Ўзкомпартиянинг XVI съезднии муносиб кутиб олиш учун курашаётган бу механизатор ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бераётир. Суратда: Ўртоқ А. Тўхтабоев.

М. Комлев фотоси.

Машина теримини кўзлаб

— Колхозимиз аъзолари, — дейди Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамарайим ака Юнусов, — етти йиллиннинг учинчи йилида 1494 гектар ернинг ҳар гектаридан 26,7 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олганлар.

Бу колхозда ғўзалар ўз вақтида озиқлантирилиб, ўз вақтида культивация қилиниб суғорилаётганлиги туфайли ҳозиргача уч-тўрттадан бўлиқ кўсак ва жуда кўп шона ҳамда гул ҳосил қилган. Шуниси қувончлиги, кўпчилик майдонлардаги ғўзалар машина теримига мослаб парвариш қилинаяпти. Ш. Абдиров ва Т. Ғазотов ўртоқлар бошлиқ бўлган бригадаларнинг пахтакорлари, механизаторлари ҳар гектар ердан кам деганда 30 — 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашиш билан бир вақтда, пахтаси машинада териладиган майдонларнинг ғўзаларини алоҳида эътибор билан парвариш қилишни ҳам унутмаяптилар.

Шунингдек, райондаги Карл Маркс номли колхознинг коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган У. Норбўтаев, Ленин номли колхознинг Ж. Примқулов ўртоқлар бошлиқ бригадалари пахтакорлари ҳам ҳосил тўплаш ойлигида ғўза парваришини сира ҳам тўхтатмаётирлар.

М. ОЙДИНОВ,
Қ. САЙДИНОХУНОВ,
Х. АҲМЕДОВ.

Мўл ҳосил учун

Ортиқбой Отақулов бошчилик қилаётган бригада аъзолари бу йил 150 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаганлар. Улар зўр ғайратшижоат билан ишламоқдалар. Барча майдонлардаги ғўзалар учинчи парваришдан чиқарилди. Ғўзанинг талабига қараб сув таралиб, озиқлантириляпти.

Гулистон районидаги Крупская номли колхознинг бу илғор бригадасига ўхшаган бригадаларни бошқа хўжаликлар мисолида ҳам кўриш мумкин. «Социализм» совхозининг Эшонқул Суяров, Бойзоқ Эсергапов, «Гулистон» совхозининг Т. Дўсназаров, Б. Иосиров, Э. Суяров ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларида ҳам ғўза парвариши юқори агротехника қоидалари асосида ўтказилаётир.

Г. Абдурахимов, Ш. Ортиқов,
Б. Соибназаров, Э. Усмонов,
Ф. Нишонбоев.

Камчиликлар тугатилсин

Қардош тожикистонлик пахтакорларнинг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари яқинда Янгиер районидаги колхоз ва совхозларда ғўза парваришининг бориши ва бу йилги олинган мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини текшириб чиқдилар.

Мусобақадошлар, Карл Маркс номли колхозда ғўза парвариши ғоят сусткашлик билан ўтказилаётганлигининг гувоҳи бўлдилар. Колхознинг Жўраев, Нурматов, Сангилов, Омонқулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ғўзаларга ишлов бериш шу кунниг талабларидан мутлақо орқада қолмоқда. Ҳосил тақдири ҳал қилинаётган ҳозирги дамларда колхоз раҳбарлари ўзибўларчилик кайфиятига тушиб қолганлар. Хўжаликнинг кўпгина бригадаларида ғўза ҳадеб суғорилаберилганидан ғовлаб кетиб, ҳосилдан қолган.

Бундай камчиликлар «Дружба» совхозида ҳам мавжуд. Совхознинг 4-бўлимидаги Бурҳонов, Абдуҳамидов, Маматқулов, Ғозибеков сингари ўртоқлар бошлиқ бўлган бригадаларида ҳалигача озиқлантирилмаган ва суғорилмаган карталар топилади. Кўпгина майдонларнинг ғўзалари эса сувга чанқоқ.

Тожикистонлик мусобақадошларнинг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари районнинг хўжаликларида ғўза парваришида юз бераётган камчиликларни тезроқ тугатиш чоралари ҳақида қимматли маслаҳатлар бердилар.

М. СУЛТОНОВ,
Ж. ҲОШИМОВ.

Гана президенти доктор Кваме Нкрума СССРдан жўнаб кетди

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг расмий меҳмони сифатида Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган атоқли давлат арбоби ва сиёсий арбоб, Гана Республикасининг Президенти ва ҳукумат бошлиғи доктор Кваме Нкрума 25 июлда Москвадан Варшавага жўнаб кетди.

Внуково аэродромида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва Гана Республикасининг Президенти, ҳукумат бошлиғи Кваме Нкрума дўстона нутқ сўзладилар.

ХОСИЛ КЎПАЙСИН ДЕСАНГИЗ— АЛМАШЛАБ ЭКИНГ

Юқори ҳосил етиштирамиз, хўжалигимизни комплекс ривожлантирамиз деган мақсадни ўз олдига қўйган деҳқон алмашлаб экишга эътиборни кучайтиради.

— Бу чора, — дейди Янгиер районидаги «Коммунизм» колхозининг участка бошлиғи ўртоқ Зия Қодиров, — пахта майдонларини кенгайтирмасдан туриб ҳам ҳосилдорликни йилдан-йилга ошираборишда деҳқон учун қўл келадиган энг яхши омиллардан биридир. Иккинчидан унинг яна бир яхши ҳосияти шундаки, чорвачиликни ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам бизда алмашлаб экиш қатъий қонун қилиб қўйилган.

Чиндан ҳам шундай. «Коммунизм» колхозида алмашлаб экиш планли равишда олиб борилаётганлиги учун беда ҳосили ҳам, маккажўхори ва пахта ҳосили ҳам ошиб бормоқда. Обҳаво ноқулай келган ўтган йилги қийин шароитда ҳам алмашлаб экишни кенг жорий қилаётган бу колхозда 2350 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб «оқ олтин» кўтарилди. Пахта, беда, маккажўхорини алмашлаб экиш юксак деҳқончилик маданиятининг асосларидан бири эканлиги ана шундан ҳам кўриниб турибди.

Областимизда алмашлаб экишга эътибор билан қараётган хўжаликлар эндиликда оз эмас. Шу «Коммунизм» колхози билан кўшни 1-«Боёвут» совхозида, Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинизм», Янгийўл районидаги Сталин номли колхозларда бу соҳага энг биринчи галдаги жанговар вазифа сифатида қаралмоқда. Хўш, нима учун? Шунинг учунки, алмашлаб экиш кенг жорий қилинганда беда илдиз системасининг механик ва биологик таъсири тупроқнинг структурасини яхшилайди. Бундай майдонларда сув тупроққа яхши сингади, нам узоқ вақт сақланади. Ҳаммадан муҳими шундаки, ғўза ёрғимчаккана, кўсак қурти каби қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига ем бўлмайди, вильт касалига чалинмайди.

Алмашлаб экишнинг яна бир фазидаги шундаки, далаларда ғўзалардаги шоналар ва тугунчаларнинг тўкилиши камаяди. Ғўза тупларининг қуйи қисмида, ўрта шохларида ҳосил элементлари кўпаяди. Бу нима деган сўз. — бу кўсаклар тез пишиб етилади, йиғим-терим ёғин-чочинга қолмай эрта тугалланади ва келгуси йил ҳосилига пухта замин тайёрлаш учун барвакт киришилади, деган сўз. Областимизнинг ишнинг кўзини билган, деҳқончиликда бой тажриба орттирган, агротехника фани ютуқларига қатъий амал қилаётган кадрлар раҳбарлик қилаётган илғор хўжаликларида худди шунинг учун ҳам пахта, беда ва маккажўхори алмашлаб экишга эътибор кучайтирилаяпти.

Областимизнинг 109 колхози ва 19 совхозида алмашлаб экишни жорий қилишга киришилди. Бироқ ҳали бу ишнинг бошланиши. Бу соҳада катта нуқсонларга йўл қўйётган, алмашлаб экишни жорий қилиш планини бузаётган хўжаликлар топилади.

Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли, Куйбишев номли колхоз раҳбарлари қатор йиллардан бери пахта, беда, маккажўхори алмашлаб экишга хафсаласизлик билан қараб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам бу хўжаликларда пахта ҳосилдорлиги камайиб кетмоқда, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасида қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу камчиликлар асосан алмашлаб экиш плани бажарилмаётганлиги, шунинг орқасида хўжаликда ем-хашак базаси етарли жамғарилмаётганлигидадир.

Ўртоқ У. Мусаев раислик қилаётган Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозда ҳам алмашлаб экишга эътибор берилмаяпти. Ўтган йили колхозда беда майдони пахта майдонига нисбатан план бўйича 33 процент ўрнига 12 процентни ташкил этди, холос. Мана илгари шуҳрат қозонган колхознинг кейинги йилларда давлат планларини бажараолмай чўкиб бораётганлигининг асосий сабабларидан бири.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг оқилона берган маслаҳати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кечаги пленумида **Ўзбекистондаги барча колхоз ва совхозларда пахта, беда, маккажўхори алмашлаб экишни жорий қилиш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисидаги масала** кенг муҳокама қилиниб, жуда тўғри иш қилинди. Муҳим тадбирлар белгиланди. Бизнинг областимизда пахта, беда ва маккажўхори алмашлаб экиш соҳасида йўл қўйилаётган камчиликлар ўринли танқид қилинди. Эндиги вазифа — ана шу танқиддан тўғри хулоса чиқариб, пахтачиликни бундан буён янада ривожлантираборишдир, чорва маҳсулотлари етиштиришни ҳар қачонгидан ҳам кўпайтириш, шу тарика хўжаликни комплекс тараққий эттириш мақсадида алмашлаб экишга кенг йўл очиш керак. Бу соҳада яхши натижаларга эришаётган илғор хўжаликларнинг бой тажрибаларини оммалаштириш, илғор агротехника фани ютуқларини деҳқончиликда қўлланиш зарур.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари пахта, беда ва маккажўхори алмашлаб экиш юзасидан берилган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун барча зарур тадбирларни амалга оширишлари лозим.

Партия ва ҳукуматимиз деҳқончилик маданиятини юксалтираборишдаги ва ҳукуматимиз қабул қилган тадбирларни амалга оширмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни тинмай кўпайтираборишнинг энг тўғри йўлларини кўрсатиб бермоқда. Бу деҳқонларимизга қилинаётган битмас-туганмас ғамхўрликнинг ёрқин намуналаридандир. Шундай экан, биз деҳқонлар ҳам партия ва ҳукуматимиз томонидан олдимизга қўйилаётган улкан, шарафли, жанговар вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш учун астойдил курашмоғимиз лозим!

ТАЖРИБАКОРЛАРИМИЗНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ҒЎЗАНИ ТАБАҚАЛАБ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ КЕРАК

— Ҳозир пахтазорларга четдан қараб яхши ёки ёмон ғўза экан деб баҳо бериш қийин,—дейди Юқори Чирчиқ районидаги Сталин номли колхоз раиси ўртоқ Инсофали Талаббоев.—Четдан қараганда яхши кўринган ғўзани ораласангиз бўйи ўсган бўлса ҳам, ҳосили кам бўлиши мумкин. Яхши кўринмаган ғўзаларда эса ҳосил кўп бўлиши мумкин. Бундан ташқари бир картанинг ичида паст-баланд ва ривожланишдан орқада қолган ғўзалар бор. Шу сабабли ҳозирги шароитда ҳамма ердаги ғўзани бир хил парвариш қиламан деган деҳқон ютқазади. Айрим карталарнинг бир томони чеканкабоп бўлиб қолган бўлса, иккинчи томонининг бўйи паст. Шу сабабли ҳозир ғўзаларни табақалаб парвариш қилиш керак. Бир хил жойларда ғўзани икки томонлама культивация қилиш керак, айрим ерларда бир томонлама культивация қилиш лозим бўлади, бошқа хил тадбирлар ҳам ғўзанинг ҳолатига қараб шу хилда табақалаб амалга оширилиши зарур.

ТОЖИКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ОБЛАСТИМИЗ ДАЛАЛАРИДА

ИШДА БУРИЛИШ ЯСАШ КЕРАК

ОРЖОНИКИДЗЕ. (Махсус мухбиримиздан). Ленинобод область партия комитетининг секретари Ўртоқ К. Р. Иброҳимов бошлиқ Тожикистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси район колхозларидаги аҳвол билан атрофлича танишиб чиқди. Мусобақадошлар «Қизил Ўзбекистон» колхозининг 3, 7, 8- ва бошқа бригадалари ишидан анча хурсанд бўлдилар. Бу бригадаларнинг ғўзалари ўтдан батамом тозаланган, суғориш ва культивация ўз вақтида ўтказиляпти. Бу тадбирларнинг натижаси яққол кўриниб турибди. Ҳар бир туп ғўзада ҳозирнинг ўзидаёқ 5 — 6 тадан бўлиқ кўсак бор.

Хрушчев номли колхознинг ўртоқ Б. Тошматов бошлиқ бригадаси аъзолари, Киров номли колхознинг ўртоқ Чунонов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Тожикистонлик меҳмондар уларнинг ишига чин кўнгилдан муваффақият тиладилар.

Бироқ, меҳмонлар «Сталинград» колхозида бўлганларида тамоман бошқача манзарага дуч келдилар. Айниқса, колхознинг ўртоқ Авазметов бошлиқ бригадасида ғўза парвариши қониқарсиз борянти. Тупроқда нам етарли бўлмаганидан ғўза шоналарини тўкиб юборган, ўсишдан қолаяпти. Колхознинг 3 ва 6-бригадаларида ҳам ғўза парвариши яхши эмас. Бир қатор карталарда ғўза ҳосил элементларининг тўкилишига йўл қўйилган. Ҳозирги долзарб кунларда колхозчилар ғўза парваришини бўшаштириб юборганлар. Суғоришда ишнинг сифатига кўпинча эътибор берилмайди.

Районда сув етишмаслиги тўғрисида кўп гапирилади. Ваҳоланки, колхозларда кўп ҳолларда сувдан тежаб-тергаб фойдаланилмайди. Баъзи карталар бостириб суғорилса, баъзи ерларда ғўза чанқатиб қўйилади. Хрушчев номли колхознинг 2-бригадасида йўлларга сув тошиб ётибди. Лекин колхоз правлениеси бу камчиликнинг олдини олиш учун ҳеч қандай чора кўрмаётир.

Шуни айтиш керакки, юқорида айтилган бригадалар ва бошқа бригадаларда чеканка кечиктирилаяпти. Ваҳоланки, бу бригадаларнинг кўпгина участкаларида ғўза ўсиб кетган, ҳосил тўплаши кечикмоқда.

«Маданият» колхозининг 1-бригадасида ҳам шундай камчиликлар борлиги аниқланди. Меҳмонлар бошқа кўпгина хўжаликларда ҳам чеканка кечикаётганлигини ташвишланиб гапирдилар.

Бегона ўтга қарши кураш кўнгилдагидек эмас. «Сталинград» колхозининг 10-бригадаси ва бошқа хўжаликларда ғўзанинг ашаддий душмани — заршечак борлиги аниқланди. Лекин колхоз правлениеларининг раҳбарлари бу камчиликнинг олдини олиш учун курашмаётирлар. Кўпгина колхозчилар дала ишларига сафарбар этилмаган, улардан баъзилари меҳнат нормасини бажармайди. Бу ҳосилга, албатта, маълум даражада зарар етказади.

Мусобақадошлар техника теримга қандай тайёрланаётганлиги билан ҳам қизиқдилар. Бу соҳада ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилаяпти. Колхозлар ва РТСда пахта териш машиналарини ремонт қилиш графиги бажарилмаётир. Ремонт ишларининг сифати ҳали талабга тўла жавоб бермайди. Ленин номли колхозда ҳалигача кечки картошка экиш плани бажарилмаганлиги меҳмонларни ранжитди.

Тожикистонлик мусобақадошлар Оржоникидзе райони пахтакорларига кўпгина қимматли маслаҳатлар бердилар ва колхозчилар пахта йиғим-терими бошлангунгача ғўза парваришини давом эттирадилар ва агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга ошириб, мўл ҳосил етиштирадилар деб ишонч билдирдилар.

Тошкент области давлатга пилла сотиш планини бажарди

Тошкент областининг пиллачилари КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун нурашиб 24 июлда пилла тайёрлаш ва давлатга сотиш планини бажардилар.

Давлатга 12.222,4 центнер пилла сотилди, план 100,2 процент бажарилди. Пилла тайёрлаш давом этмоқда. Область пиллачилари зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажариш учун нурашмоқдалар.

Калинин, Оржоникидзе, Пискент, Оҳангарон, Юқори Чирчиқ, Чиноз, Сирдарё, Оққўрғон районларининг пиллачилари план ва социалистик мажбуриятларини бажаришда айниқса яхши кўрсатгичларни қўлга киритдилар.

Коммунистларнинг авангардлиги оширилсин

Оҳангарон шаҳридаги «Ўзбекуголь» комбинатига қарашли йирик корхоналардан бири ҳисобланган юк ортиш-транспорт бошқармаси партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Коллектив етти йилликнинг учинчи йили топшириғини муддатидан илгари бажариш учун КПСС XXII съезди олдидан бошланган социалистик мусобақани қизитиб юборди.

Олти ойлик план кўмир ташиш бўйича 108,2 процент, тупроқ-шагал ташиш 103,2 процент, юк обороти бўйича 106,3 процент қилиб бажарилди. Паровозларнинг меҳнат унумдорлиги эса 113 процентга етказилди. Ҳисобот-сайлов йиғилишида бошланғич партия ташкилотининг секретари К. Мороз ана шу ютуқларни санаб ўтди.

Партия ташкилоти айниқса коммунистлар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор берди. Қисқа вақт ичида КПСС аъзолигига кандидат қилиб 19 киши қабул қилинди. Коммунистлар ишлаб чиқаришда авангардлик ролини ўйнамоқдалар.

Йиғилишда партия ташкилоти ва бошқарма фаолиятидаги камчиликлар принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташланди. Паровоз машинисти Валетов ремонт ишларида ҳамон бракка йўл қўйилаётганини ўқидирди. Масалан, коммунистлардан Душаев, Рогов ўртоқлар июнь ойида паровоз ва думкарларни сифатсиз ремонт қилганлар. Натижада орадан кўп вақт ўтмай қайта ремонтга топширилди. Лекин, партия ташкилоти улар устидан назорат қилмади, бракка йўл қўйганларга чора кўрмади.

Паровоз депосининг бошлиғи Крюков транспортчилар ўртасида меҳнат интизомининг бузилаётганлиги, бу ишга партия ва касаба союз ташкилотлари эътибор бермаётганлиги тўғрисида куюниб гапирди.

Йиғилишда сўзга чиққан бошқа коммунистлар ҳам партия ташкилотининг ишлаб чиқариш масалалари билан чуқурроқ шуғулланмаётганини ва илғорлар тажрибасини кенг оммалаштирмаётганини кўрсатиб ўтдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши партия ташкилотининг янги составини сайлади.

И. АҲМЕДОВ.

Хўжаликка партиявий раҳбарликни кучайтирайлик

1-«Оҳангарон» совхози 1-бўлим партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида қишлоқ хўжалигига партиявий раҳбарликни яхшилаш соҳасида эришилган муваффақиятларни қайд қилиш билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам очиб ташланди. Бўлим партия бюросининг секретари М. Нурмуҳамедов ўз докладида КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорлари бўлимда қандай бажарилаётганлигига кенг тўхталди.

Бўлимда галладан мўл ҳосил етиштирилди, чўчқалар сони анча кўпайди. Ярим йиллик сут соғиб олиш, шаҳар аҳолисига эртаги карам, пиёз етказиб бериш планлари анча ошириб бажарилди.

Шу билан бирга бўлим ишлаб чиқаришида камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Пилла қурти боқиш гоят қониқарсиз ташкил этилди. Илғорлар тажрибаси пропаганда қилинмади. Натижада планда кўрсатилганидан 700 килограмм кам ҳосил олинди. Шуниси ачинарлики, экилган маккажўхори ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Биринчи ишлов бериш гоят чўзилиб кетганлиги учун маккажўхори ўсиш ва ривожланишдан тўхтаб қолди.

Бўлимда ем-хашак жамғариш ишлари гоят қониқарсиз аҳволда. Пландаги 6856 ўрнига эндигина 1680 центнер хашак йиғилди. Далада қолиб кетган сомонлар кун иссиғида ўз сифатини йўқотмоқда. Чорва моллари учун тайёр озуқа ҳисобланган бу сомонларни қулай жойга тўплаш эътибордан четда қолмоқда.

Бундай камчиликларнинг содир бўлишига сабаб хўжаликка партиявий раҳбарликнинг бўшлиги, меҳнат интизомининг гоят бўшашиб кетганлигидир. Бўлимда ишчи кучларидан тўла фойдаланилмаётир. Ишчилар орасида оммавий-сиёсий ишлар бўшаштириб юборилган. Улар орасида газета ўқиш, суҳбат, лекция ва докладлар ўтказиш партия ташкилоти эътиборидан четда. 32 агитатордан фақат 2—3 киши ахёлаҳёнда ишчилар орасида бўлади. Агитколлектив мудири Э. Бекназаров ҳали бирор марта агитаторлар семинарини ўтказгани йўқ.

Партия йиғилиши бўлимда хўжалик ишларини кескин жонлантиришга қаратилган қарор қабул қилди ва бюронинг янги составини сайлади.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

Газетхонларимиз конференцияси

Яқинда Пискент район марказида «Тошкент ҳақиқати» газетхонларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари редакциянинг иш фаолияти ҳақидаги ҳисоботни эшитиб, кенг муҳокама қилдилар.

Газетхонларнинг таъкидлашича, кейинги вақтда мухбирлар билан ишлаш, уларнинг материалларидан кўпроқ фойдаланишга эътибор кучайтирилган, жойлардаги активларга кенг суянган ҳолда рейдлар уюштиришда бирмунча ютуқлар қўлга киритилган, мухбирлар постларининг иши анча жонлантирилган, саноат ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари, ишчи ва колхозчиларнинг материаллари газетада кўпроқ ўрин ола бошлаган.

Шу билан бирга, конференция қатнашчилари газетанинг ишидаги айрим камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар ва уларни тезда бартараф қилишга редакция ходимларининг эътиборини жалб қилдилар.

«Пискент» совхози 3-бўлими партия ташкилотининг секретари ўртоқ Омонтоев журналистлар жойларда бўлганларида оддий ишчилар, колхозчилар билан учрашиб туриши, уларнинг талаб ва истакларига кўпроқ қулоқ солиши зарурлигини айтди. У илғорлар тажрибаси ҳақидаги материалларда ютуқларнинг «сири»ни кенгроқ ва оммабоп қилиб очиб беришни сўради.

Тельман номли колхознинг экономисти ўртоқ Тожимуродовнинг айтишича, газета ҳозирча колхоз экономикасини, колхоз бухгалтерларининг иш фаолиятини қониқарсиз ёритмоқда. Нотиқ бу масалага газетада кенгроқ ўрин бериш зарурлигини айтди.

— Мен, — деди кекса қишлоқ мухбири ўртоқ Р. Қўшоқов, — газетада илғор чўпон, молбоқар ва пахта усталари ҳақида ёзилаётган очерк, ҳикояларни доимо ўқиб турибман. Бундай материаллардан газетхонлар кўп нарсаларни ўрганиб олади, бу яхши. Лекин илғорлардан ўрнак олиб, ишни пухта ташкил қилаётган янги азаматлар ҳақида кам ёзилмоқда.

Хрушчев номли ўрта мактабнинг директори М. И. Пак, суғориш системаси бошқармасининг ходими О. Эшонқулов, ўқитувчи Х. Расулев, районлараро «Пахта учун кураш» газетасининг редактори М. Самадов ва бошқа ўртоқлар ўз сўзларида газетада партия ҳаётини, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг практикасини кенг ёритиш, маҳаллий Совет депутатларининг сайловчилар билан алоқаси ҳақидаги материалларга кўпроқ ўрин бериш, ишёқмас, текинхўларни раҳмсиз фош қилиш зарурлигини айтдилар.

Конференция қатнашчилари бундай йиғилишларни тез-тез ўтказиб туриш зарурлигини алоҳида кўрсатиб ўтдилар.

Қишлоқ партия ташкилотида

Эски Тошкент — аҳолининг зичлиги ва территориал кенглиги жиҳатидан Чиноз районидаги йирик қишлоқлардан бири ҳисобланади. Бу қишлоқ территориясида 2 колхоз, 3 завод жойлашган. Ана шу колхоз ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари хўжалик фаолиятини активлаштириш, аҳолининг маданий ва сиёсий савиясини янада ошириш мақсадида территориал партия ташкилоти тузилган эди Яқинда бу ташкилотда ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

— Сафимиз 15 кишидан 25 кишига ўсди,— деди партбюро секретари И. Норбоев ўзининг ҳисобот докладида,- қишлоқ аҳолиси ўртасида агитация-пропаганда ишлари жонлантирилди. Қишлоқнинг маданий-иқтисодий жиҳатдан юксалишида коммунистларнинг роли ошди.

Музокарада сўзга чиққан коммунистлар йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида фикр юритиб, план асосида иш олиб борилмаётгани, хотин-қизлар ҳаёти ва фаолияти билан кам қизиқилаётгани ҳақида гапирдилар.

Йиғилишда иштирок этганлар партия ташкилотининг ишини жонлантириб юборишга қаратилган қарор қабул қилдилар. Бюронинг янги состави сайланди.

Й. УРИНБОЕВ.

Комсомол аъзоси Светлана Пак Тошкентдаги электротехника заводи йиғув цехининг пешқадам ишчиларидан ҳисобланади. У коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси. КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Светлана смена топшириқларини мунтазам ошириб бажармоқда, сифатли маҳсулот топшираётир. У Тошкент электромеханика техникумининг V курсида ўқиб, ўз билимини оширaётир. Суратда: ўртоқ Светлана Пак. М. Комлев фотоси.

КПСС XXII съезди ва ЎзКомпартия XVI съезди шарафига

Фотомухбиримиз А. Абалян томонидан олинган бу расмда сиз Тошкентдаги «Подъёмник» заводи 1-механика цехининг токарлар бригадаси аъзоларини кўриб турибсиз. Меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришгани учун бу бригадага яқинда коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном берилди. Суратда: (чапдан) М. Валиев, В. Сукнин, П. Новиков, Д. Крапивин, Я. Кайбуллаев ва И. Мартьянов ўртоқлар. Улар ҳозир бу шарафли номни оқлаш учун смена топшириқларини 120 процентдан бажармоқда лар.

Миқдори кўп, сифати яхши

Тошкентдаги Сталин номли бадиий кашта тикув фабрикасининг маҳсулоти Иттифоқимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам машҳур бўлиб қолди. Фабрикада тайёрланаётган кашта, сўзана, чойшаб, гулкўрпа, духоба ёстиқ, дўппи каби бадиий буюмлар ҳозир Англия, Франция, Цейлон, Бирма ва бошқа мамлакатларга ҳам юборилмоқда. Бу буюмларнинг кўпчилиги халқаро ва биставкаларда юқори баҳоланди. Шунинг учун ҳам корхона коллективи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг аъло сифатли бўлишига алоҳида аҳамият бераётир.

Ярим йиллик ишлаб чиқариш плани анча ошириб адо этилди. Бошқача қилиб айтганда, фабрика бу йил ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарди.

Шу кунларда коллектив биринчи ярим йилликда эришилган меҳнат ютуқларини янада мустаҳкамлаш, КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVI съезди шарафига муносиб совға тайёрлаш иштиёқи билан меҳнат қилаётир. Бу соҳада попода гул тикув цехининг коллективи айниқса самарали ишлаётир. Съезд очиладиган кунгача 10 ойлик планни бажариш ҳамда ой охиригача яна ўн минг сўмлик маҳсулот бериш мажбуриятини олган цех чеварлари гайратга-гайрат, қўшиб ишламоқдалар. Коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган Саодат Тоҳирова, Масуда Усмонова, Доно Ёқубова ўртоқлар бошлиқ бригадалар кундалик нормаларини 120-130 процент қилиб бажарицяпти.

Фабрикада маҳсулот хилини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш юзасидан ҳам талайгина ишлар қилинмоқда. Х. Собирова, Н. Тўраева, В. Чубиков ўртоқлар янгиянги замонавий нусхалар ўйлаб топаётирлар. Бу ўртоқлар съезд очиладиган кунгача яна тўртта янги нусха ўйлаб чиқармоқчилар.

М. МИРЗАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ҲАР ИШГА ҚОДИР

Абдувоҳиднинг бу улкан қурилишда ишлайбошлаганига икки йилча вақт бўлди. Мактаб қучоғидан чиқиб, ўз ҳоҳиши билан қурилишга келган вақтида бирорта ҳам касбни билмас эди у. Меҳнатнинг жон-дилидан севувчи гайратли йигитча мураккаб касблардан бири — тракторчиликни танлади. У қўпдан бери шуни орзу қилиб юрарди. Танлаган касбини пухта эгаллашга астойдил бел боғлаган Абдувоҳид қисқа муддат ичида моҳир тракторчи бўлиб олди. Икки йилдан бери ўзининг «пўлат оти»—қудратли трактори билан қанчадан-қанда ишларни бажарди. Турли бинолар қуриладиган майдонларни текислади, зарур бўлиб қолганда қурувчиларга бинокорлик материаллари ташиб турди.

Абдувоҳиднинг нормани бирор марта ҳам бажармаганини қурилишдагилар эслаша олмайди. Топшириқни ортиғи билан адо этиш унга одат бўлиб қолган. Иш кўрсаткичи ўрта ҳисобда 180 процентни ташкил этса ҳам, 250 процент ва ундан ҳам ошириб бажарган кунлари жуда кўп бўлган.

Оҳангарон цемент заводи қурилишининг донгдор механизатори бундай юқори кўрсаткичларга аввало сидқидиллик билан ишлаши, трактор қаровини яхшилаши натижасида эришмоқда. Унинг трактори икки йилдан бери капитал ремонтсиз ишлаяпти. Вақоланки, шу муддат ичида трактор камида икки марта ремонтдан чиқарилиши керак эди.

Қайси бир бинокор билан Абдувоҳид ҳақида гапиришманг, уни «ҳар ишга қодир», «қўли гул йигит» деб аташади. Бу бечиз эмас экан. Қурилишда унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ десак, муболаға қилмаган бўламиз. Ғайратли йигит тракторчиликдан ташқари электромонтёр, токарь, слесарь, бетончи бўлиб ҳам бемалол ишлай олади, бу касбларни ҳам жуда пухта ўрганган.

Москвалик ёшларнинг партия XXII съездини шахсий совғалар билан кутиб олиш ҳақида бошлаган ташаббусларини етти йилликнинг бу гигант корхонаси қурувчилари ҳам қўллаб-қувватладши. Юзлаб бинокорлар бу ҳаракатга қўшилди. Абдувоҳид Ғафуров ҳам четда қолмади. У тракторнинг яна бир йил давомида капитал ремонтсиз ишлашига эришиш, кўплаб ёнилғи тежаш, нормани мунтазам 155 процентдан бажаришга аҳд қилган. Пешқадам тракторчи ўз сўзининг устидан чиқиб, топшириқларни ортиғи билан адо этаётир.

С. ҲАЙИТҚУЛОВ.

ҚУРИЛИШЛАР УЧУН

7-гишт заводлари бошқармасининг меҳнатсевар коллективи шонли КПССнинг XXII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида гайратга-гайрат қўшиб ишлаётир. Етти ойлик топшириқ муддатидан анча илгари бажарилди. Пландан ташқари бир миллион дона гишт ва 100 минг дона черепица ишлаб чиқарилди.

Бундай ютуқларга илғор иш методларини кенг жорий қилиш, цехларни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш, кўп куч талаб қиладиган иш процессларини механизациялаш, ҳар бир ишчи, бригада ва сменалар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириш туфайли эришилаётир.

Коллективимиз Москва меҳнаткашларининг жаҳонда энг сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисида бошлаган қимматли ташаббусини қизғин кутиб олди. Завод маъмурияти бинокорлик учун энг зарур материаллар — гишт ва черепицаларнинг янада сифатли ва чидамли бўлишини таъминлайдиган бир қанча тадбирлар белгилади, бунда иш процессларини автоматлаштиришга кенг эътибор берилди.

Шу кунларда заводимиз ишчилари, инженер-техник ходимлари эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ниятида янада самарали меҳнат қилаётирлар. Ишлаб чиқариш илғорлари Ж. Қурбонбоев, Э. Фриц, Т. Мамешов, К. Филатов ва бошқа ўртоқларнинг номлари кўпдан бери завод ҳурмат тахтасидан тушмай келаётир. Улар пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга, унинг сифатли бўлишига ҳам эришмоқдалар.

А. ЭШМАТОВ,
завод ишчиси.

ПОЙАФЗАЛЧИЛАР КЕНГАШИ

Яқинда Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг клубида Ўрта Осиё республикалари ва Козогистон пойафзал саноати ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда иштирок этган Фрунзе, Сталинобод, Ашхобод, Олмаота, Самарқанд, Янгийўл, Чирчиқ, шунингдек Москва, Киев ва бошқа шаҳарлардан келган мутахассислар оёқ кийимлар сифатини яхшилаш, уларнинг ассортиментини кенгайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, прогрессив технологияни жорий қилиш ҳақидаги масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар, етти йиллик планда мамлакатимиз пойафзалчилари олдида турган катта ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш йўллари ҳақида фикр олишдилар.

Уч юздан ортиқ киши қатнашган бу кенгашда СССР Госплани вакили ўртоқ А. Жоров яқин йиллар ичида мамлакатимизда чарм-пойафзал саноатининг ривожланиш перспективалари ҳақида доклад қилди. Бутуниттифоқ кийим-кечак маданияти институти бўлимининг бошлиғи ўртоқ О. Гриценко оёқ кийимлари моделларни яратишдаги ҳозирги замон йўналиши ҳақидаги ўз фикрларини айтди. «Главобувьторг» вакили ўртоқ Абалдуев оёқ кийимлари ишлаб чиқаришни планлаштириш ва савдо тоҳчаларига етказиб бериш ҳақидаги масала устида тўхтади.

Сталин номли Тошкент кўн комбинатининг директори П. Кучма ва 1-пойафзал фабрикасининг бош инженери Н. Шулькин ўртоқлар ана шу корхоналарда янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича тўпланган тажрибалар ҳақида гапириб беришди.

С. БЕЛИКОВА.

Ҳамза ҳайкалига лойиҳалар

Яқинда Тошкентдаги махсус техника билими саройида Ҳ. Ҳ. Ниёзий ҳайкали лойиҳаларининг кўргазмаси очилди. Лойиҳаларни келиб кўрган тамошабинлар ўз таассуротларини «Отзивлар дафтари»га ёзиб кетмоқдалар. Дафтарнинг биринчи вараги «Ўқитувчилар газетаси» ва «Совет мактаби» журнали редакцияларининг ходимлари Усмонов, Нурматов, Мақсудов ўртоқларнинг «Қўқон» ва «Комета» девизли лойиҳаларни олқишлаб ёзган сўзлари билан очилади. 50-мактаб илмий бўлим мудири Карташева ва ТашГУ студенти Ҳошимовлар ҳам «Қўқон» лойиҳасини табриклаб ёзганлар. Ҳақиқатдан ҳам бу проект виставкадаги 15 лойиҳанинг энг жонлисидир. Унда оташин шоирнинг жонли образи давримиз қўшиғини биз билан баравар куйлаётгандек бўлиб чиққан.

Н. ТОИРОВ.

ЯНГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ОТНИ ҚАМЧИЛАШ КЕРАК

Олтин куз ҳам яқинлашмоқда. Кўп ўтмай турна-қатор тизилган «оқ олтин» карвонлари завод ва тайёрлов пунктларига қараб йўл олади. Пахтакорнинг марварид тери, билак кучи, қалб ҳарорати билан етиштирилган ана шу дурдона—пахтани ҳеч нобуд қилмай қабул этиш пахта тозалаш заводлари, тайёрлов пунктлари коллективларининг шарафли бурчидир.

Янгийўл шаҳридаги Ф. Носиров номли пахта тозалаш заводининг ишчи, инженер-техник ходимлари янги мавсумни ҳар тарафлама пухта тайёргарлик билан кутиб олишга бел боғлаб, шу кунларда ғайрат билан ишлаётирлар.

Заводнинг Свердлов номли тайёрлов пунктининг меҳнатсевар коллективи яқинлашиб келаётган КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани янада қизитиб, янги ҳосилни қабул қилишга тайёргарлик ишларини планда белгиланганидан 15 кун олдин, яъни 1 августгача тахт қилиш мажбуриятини олди.

Ўтган йили бу ерда пахтани қоп-ларга жойлаштирувчи машина республикада биринчи бўлиб қўлланилган эди. Иш унумини ошириб, қўл меҳнатини камайтирган бу машина янги мавсумга тахт қилиб қўйилди. Шунингдек, қоп-қанорсиз ташилган пахтани қабул қилиш учун алоҳида майдончалар тайёрланиб, бу ерларга асфальт ётқизилди. Бир неча юз метр йўл асфальтланди.

Тайёрлов пунктида қуритиш-тозалаш цехини тартибга солиш ишлари ҳам жадал суръат билан бормоқда. Транспортёрларни ремонт қилиш ишлари тугай деб қолди. 25 тоннагача юк тортадиган иккита тарози ва бошқа ўлаб кичик тарозилар ремонтдан чиқарилди. Теримчиларга қоп-қанор, этаклар, бунтларни бекитиш учун брезент тайёрлаш, ёнғинга қарши тайёргарлик кўриш ишлари ҳам қизғин одиб борилаётир.

Лекин умуман олганда завод тайёрлов пунктларида янги мавсумга тайёргарлик ишларини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бу соҳада белгиланган яхши тадбирлар жуда секинлик билан амалга ошириляпти. Бир қанча тайёрлов пунктларида, жумладан Внезаводской, Пахта пунктларида «ҳали теримга анча вақт бор, бемалол улгурамиз» деган ҳотиржамлик кайфияти ҳукм сурмоқда.

Внезаводской тайёрлов пунктида янги ҳосилни қабул қилишга тайёргарликка ҳозиргача жиддий киришилмаган. Бирорта ҳам янги трап қурилмаган, 3 та эскиси тузатилмаган. 10 транспортёрдан энди 2 таси ремонт қилинган, холос. Бундан ташқари катта-кичик тарозиларни тузатиш ва контролдан ўтказиш, 5 та насосни ремонт қилиш, қоп-қанорлар тайёрлаш каби муҳим ишлар ҳам навбат кутиб ётибди.

— Тайёргарликнинг мазаси йўқ-ку! — мурожаат қилдик пункт мудири ўртоқ Э. Раҳимбердиевга.

— Ҳали вақт эрта, бизнинг тайёргарлигимиз қочмас, бир ҳафсала қиламиз, — дейди бепарволик билан у.

Пункт ишчилари яшаётган 2 та уй ремонт қилиниши керак бўлгани ҳолда бунга ҳали қўл урилмаган. Пахта тайёрлов пунктида ҳам (мудири ўртоқ Қодиров) тайёргарлик суст. 2 та катта тарози, 2 та кичик тарози ҳалигача тузатилмаган, 5 та трапдан биттаси ҳам ремонт қилинмаган. Техника тайёргарлиги, ёнғинга қарши кураш чоралари, корпус ва биноларни қишки мавсумга тайёрлаш ишлари ўлда-жўлда ётибди.

Умуман, завод ва унинг тайёрлов пунктларидаги 142 та ғарам (бунт) майдонидан энди 76 таси ремонт қилинган. Бунинг устига 9 та катта тарозидан 2 та, 11 та кичик тарозидан 3 таси тузатилган, холос. Янгидан қурилиши керак бўлган 16 трапдан биттаси ҳам тайёр эмас, 30 та эскисидан 5 тасигина ремонт қилинган.

Планда белгиланишича 25 та насос, 100 га яқин транспортёр тузатилиши керак эди. Бу иш ҳам тўла бажарилгани йўқ. Ўтган йили Ҳалқобод тайёрлов пунктидаги ишчилар ётоқхонаси ўз вақтида битказилмай, ишчилар қиш вақтида анча қийналган эдилар. Завод раҳбарлари ўтган йилги сабоқни унутганлар шекилли, бу йил ҳам ишчиларнинг уйларини, ётоқхоналарни ремонт қилишга яхши эътибор бермаётирлар.

28 минг қоп-қанор ўрнига 6175 дона, 39189 этак ўрнига 16625 та этак тайёрланган, холос.

Хуллас, Янгийўл пахта тозалаш заводи ва унинг 7 та тайёрлов пунктини янги мавсумга дуруст ҳозирлик кўраётир деб бўлмайди. Завод раҳбарлари (тайёрлаш бўйича директор ўринбосари А. Даниянц, бош инженери Н. Михайлов, механика устахонасининг бошлиғи Л. Зарубин ўртоқлар) ва пункт мудирлари бу муҳим ишни тезроқ бажаришга жиддий киришишлари, етти йилликнинг учинчи йили ҳосилини бекаму-кўст тайёргарлик билан қабул қилишга шай бўлиб туришлари керак.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

СВЕРДЛОВСКДАН ХАТ

Ҳамшаҳарларимиз ишни қойил қилишяпти

Бўлим командири солдатлар делосини варақлаб ўтириб, шофер Деҳқонбой Бешбоев фамилиясига кўзи тушди. У, қойил деди-ю, қалам билан унинг тагини чизиб қўйди. Сўнг ташқарига чиқиб:

— Бешбоевни айтиб юбор!— деди йўлдан ўтиб кетаётган бир солдатга. У, «есть ўртоқ командир», деди-да, юришда давом этди. Орадан кўп ўтмай Бешбоев командир ҳузурига кириб келди.

— Сиз тажрибали шофер экансиз,—деди командир Бешбоевга қараб, — Ўзбекистон ССР, Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги 74-автобазада кўп вақт ишлаган экансиз. Энди бизнинг ҳарбий қисмда ҳам шофер бўлиб ишлайсиз.

— Хўп бўлади,—жавоб қилди Бешбоев. Ўша кундан бошлаб Бешбоевга ЗИС-151 номерли автомашина берилди. У, масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда машинадан автобазадаги сингари тўғри ва унумли фойдаланишга ва ёнилғини тежаб қолишга ҳаракат қилди. Ҳалол меҳнати билан у бўлинмада катта обрў қозонди.

Меҳнатсевар Бешбоев бир куни ишдан келатуриб, ёш солдат Мўйдин Охуновнинг машина қисмларини йиғишда қийналаётганини кўриб қолиб, унга кўмаклашиб юборди. Солдат Бешбоевнинг қўли тегиши билан иш юришиб кетди...

Ўртоқ Бешбоев бир куни кечки пайт стадионда футбол ўйнаб юриб дўсти Жўрабой Кенжабоевни кўриб қолди. Шофёр Кенжабоев ҳам шу бўлинмага хизматга келган эди. Икки дўст ҳол-аҳвол сўрашгач, командирнинг олдига боришди. Бешбоев командир билан кўришар экан!

— Бу йигит менинг ҳамқишлоғим. Ўзи тажрибали шофер. У машинанинг тузилишини яхши билади. Уни менга бириктиб қўйсангиз,— деди. Ишни ҳамма вақт қойил қилиб келаётгани сабабли командир унинг илтимосига эътироз билдирмади...

Тошкентлик токарь Володя Червяков ҳам шу ерда хизмат қилади.

— Складда айрим деталлар камайиб қолди, — деди бир куни солдатлардан бири.

— Ҳа, шунга шунча ташвишми? Унча-мунча детални мен ўзим ясайвераман, — деди Володя.

— Ростданми? — ишонқирамай сўради ҳалиги солдат.

— Ҳа шундай, ишонаверинг,— жавоб қилди Володя.

Володя токарлик станогини ишга тушириб, 2-3 кундаёқ талайгина гайка, шайба ва бошқа зарур деталларни тайёрлаб берди.

Шу кунларда тошкентлик солдатлар меҳнат вахтасида туриб, партия XXII съездига муносиб совға тайёрламоқдалар.

Т. УСМОНОВ,
ҳарбий хизматчи.

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАЙМИЗ

«Кўп кишилар чет эл тилларини ўрганиш бошқа-ю, она тилини ўрганиш бошқа, дейдилар, — деб ёзганди атоқли педагог Н. К. Крупская, — ҳолбуки, иккисини ҳам ўрганиш бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Чет эл тилларини ўрганиш она тилини бойитади, уни кўп даража равшан, ихчам, маънодор қилади». Чиндан ҳам чет тилларни ўрганишнинг аҳамияти катта. Турли халқларни бир-бирига яқинлаштиришда, улар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда чет тиллар катта роль ўйнайди. Фан, техника ва маданиятнинг турли тармоқларидаги мутахассисларнинг, шунингдек мамлакатимиз меҳнаткашлари кенг доираларининг чет тилларни билиши халқаро алоқаларни ҳамда илмий-техника муваффақиятларини ўзаро айрибошлашни кенг ривожлантириш имконини беради.

Бу ҳол, шубҳасиз, чет тилларни ўргатиш ва ўқитишни янада кенг йўлга қўйишни талаб этади. Шу туфайли яқинда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чет тилларни ўрганишни яхшилаш юзасидан қарор қабул қилди. Бу қарор чет тилларни ўқитишда йўл қўйилган камчиликларни йўқотиш ва умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртларида чет тилларни ўрганишни тубдан яхшилаш вазифаларини белгилади.

Очиғини айтиш керакки, бу соҳада қатор камчиликлар содир бўлган эди. Ўрта ва олий мактабларни тамомлаб чиқаётган ёшларнинг кўпчилиги чет тилларни яхши билишмасди. Айниқса, уларнинг оғзаки нутқ кўникмалари заиф эди. Ана шундай нуқсонлар республикамиз мактаблари ва олий ўқув юртлари фаолиятида ҳам содир бўлди. Шу туфайли бу оқилона қарор Ўзбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлиги системасидаги барча ўқув юртлари учун ҳам жанговар иш программасига айланди.

Министрлик янги ўқув йилидан бошлаб қатор тадбирларни амалга оширади. Ҳозирги кунда чет тилларни ўқитиш программасига қўшимчалар киритиш устида иш олиб борилаяпти. Ўқитувчи кадрларни тайёрлашни яхшилаш борасида ҳам анчагина ишлар қилинади. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ва Самарқанд Давлат университетида чет тиллар ўқитувчиларини тайёрлаш ҳажми янада ортади. Қорақалпоғистондаги педагогика институтида эса бу йил чет тиллар факультети ташкил этилади. Кейинчалик бундай факультетлар бошқа педагогика олий ўқув юртларида ҳам очилади.

Янги ўқув йилидан бошлаб Тошкент Давлат университети ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида мактабларда чет тиллардан дарс берадиган ўқитувчилар учун тайёрлов курслари иш бошлайди.

Тошкент чет тиллар педагогика институти олдида ҳам катта истиқболлар очилади. Олий ўқув юртига бу йил 300 студент қабул қилинади. Бўлажак студентларнинг чет эл сўзларини қандай талаффуз қилишларига алоҳида эътибор берилади. 1962 йилда эса чет тил ўқитувчилари тайёрлаб берадиган икки йиллик олий педагогика курслари ташкил этилади. Бу курсларга чет тил педагогика институтлари ҳажмида чет тилни билган олий маълумотли кишилар қабул қилинади. Ўқишни тугатгач, уларга олий ўқув юртларида чет тили ўқитадиган ўқитувчи деган унвон берилади ҳамда улар старший ўқитувчи вазифасида ишлайдилар.

Техника олий ўқув юртларида ҳам чет тилларни ўқитишни ҳаётнинг ўзи тақоза қилаяпти. Шунинг учун ҳам бу институтларда ўқитиш методикаси бўйича ўзгартиришлар киритиш лозим. Машғулотларда вақтида замонавий техника воситаларидан фойдаланиш айни муддаодир. Чунки, магнитофон, граммофон пластинкалари ишга солинганда талаффуз қилишнинг ўзига хос хусусиятларини англаб олиш ва нутқ маданиятини ошириш имконини беради.

Катта ёшдаги кишилар учун чет тиллар бўйича сиртқи курслар очиш ҳам мўлжалланмоқда.

Ҳозир республикамиз мактабларида чет тиллардан дарс бераётган ўқитувчилар сони 2 мингдан ортиқдир. Бироқ, уларнинг ҳаммаси ҳам олий маълумотга эга эмас. Дарс бериш маҳоратини тўла ўзлаштириб олмаган кадрлар ҳам топилади. Ана шу томонларни эътиборга олиб, чет тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш курслари ташкил этиш тараддуди кўрилмоқда. Бундай курсларни бевосита педагогика институтлари ва университетлар ҳузурида очиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Кўриниб турибдики, бу соҳада олдимизда турган вазифалар жуда катта. Чет тилларни ўргатишни намунали йўлга қўйиш учун олий ўқув юртларининг ўқитувчи-профессорлар коллективларига партия ва комсомол ташкилотлари, қолаверса бутун жамоатчилик яқиндан ёрдам беришлари лозим.

С. А. СИГОВ,

Узбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари.



Республикамиз пойтахти — Тошкент Иттифоқнинг гўзал ва обод шаҳарларидан ҳисоблана ди. Бу шаҳарга мамлакатимизнинг бошқа жойларидан ва чет эллардан меҳмон бўлиб келган ҳар бир киши унинг ҳусни жа молини завқ билан тамоша қилади. Суратда: Тошкент Куран ти.

А. Абалян фотоси.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Ремонт суръати суст

Сентябрь яқин. Жамоатчиликка ҳеч ким ҳаёлига келтирмайди. Мактаб директори М. Қўлдошев эса ҳар йили ремонт вақтида дам олиш ўйинда, ёки саёҳатда бўлади. Шунинг учун ҳам бундан уч йил олдин мактаб учун қурилган бинонинг ярмиси битказилган, ярмиси девори кўтарилганича усти ёпилмай турипти. Колхоз раҳбарлари (правление раиси М. Самадов, партия ташкилотининг секретари С. Шодмонова ўртоқлар) эса ўн минг сўмлаб халқ маблағи ҳаражатланган, ҳозир эса ҳароба ҳолда қолган бу бинони тузатишга ёрдам бермаётирлар. Шунинг учун мактаб ҳали ҳам бир сменалик машғулотга кўчолмаяпти.

Мактабда ўқувчиларга политехник таълим бериш ҳам кўнгилдагидек эмас. Бунга мактабнинг бир ярим гектарлик тажриба участкасининг ачинарли ҳолда ётиши мисол бўла олади. Участка майдони ёввойи ўтзорга айланиб қолган. Ўтқазилган кўчатлар қуриб қолаётир. Биология ўқитувчилари М. Самадов, Т. Исаева ўртоқлар участка ишидан хабар олишмайди.

Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш иши билан ҳам ҳеч ким қизиқмайди. Ота-оналар, ўқувчилар зарур ўқув қуролларини Гулистон шаҳридан олиб келаётирлар.

М. БЕГАЛИЕВ,
И. ИСМОИЛОВ.

✻ Кубаликлар Совет космонавтини самимий кутиб олдилар ✻ *Совет артистлари Чилида* ✻ АҚШда жиноятчилар сони кўпаймоқда ✻ Ирқчиларнинг йиртқичликлари ✻ Тунисда аҳвол кескин

Ю. А. ГАГАРИН КУБАГА КЕЛДИ

ГАВАНА, 25 июль. (ТАСС). Биринчи космонавт майор Ю. А. Гагарин «ИЛ-18» самолётида кеча Гаванага келди. Гавана аэропортида Ю. А. Гагаринни Куба Республикасининг президенти Освальдо Дортикос, Куба бош министри Фидель Кастро, Куба ҳукуматининг министрлари ва дипломатия корпусининг аъзолари кутиб олдилар.

Телеграф хабар қилади

✦ Антарктика тўғрисидаги шартнома қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг Канберрадаги конференцияси икки ҳафта давом этиб, ўз ишини тамомлади. Конференция қатнашчилари турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан тавсиялар тўғрисида якдиллик билан бир битимга келдилар. Конференция, дейилади ахборотда, «Антарктикада илмий тадқиқотлар ўтказишда ва бу соҳадан фақат тинч мақсадларда фойдаланиш борасида шартнома қатнашчилари бўлган мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш учун яхши асос вужудга келтирди».

✦ Венгриянинг қадимий Сегеда шаҳрида йил сайин ўтказиладиган эзги театр фестивали бошланди. Бу фестиваль 20 йиллик танаффусдан кейин 1959 йилда янгидан тикланган қадимий традициясидир. Фестивалда мамлакатнинг энг яхши театр коллективлари қатнашмоқда. Фестивалда совет балети артистларининг Галина Уланова иштирокида бўладиган концертини зўр қизиқиш билан кутмоқдалар.

✦ Сант-Ягодан (Чили) хабар берилишича, К. С. Станиславский ва В. И. Немирович-Данченко номидаги Москва опера ва балет театри балет труппасининг у ердаги концертлари зўр муваффақият билан ўтмоқда. Совет артистлари 8 минг тамошабин сигадиган «Каполикан» деган театрда студентлар ва ишчилар учун қўшимча суратда уч концерт берадилар.

✦ Италия умумий меҳнат конфедерациясининг Жазоир меҳнаткашлари умумий секзи билан алоқа боғлаган делегацияларидан бири Тунисдан Италияга қайтиб келди. Делегация, жумладан, мустамлакачилик ҳукмронлигига қарши курашда иккала касаба союз ташкилоти ўртасида янада маҳкам ва самаралироқ ҳамкорлик қилиш проблемаларини муҳокама қилди.

✦ 1961 йилда АҚШда қилинган жиддий жиноятларнинг сони мамлакатнинг бутун тарихи давомида энг юқори даражага етди, — деб эътироф этади ўз докладида ФБР (яширин полиция) директори Эдгар Гувер. АҚШда ҳар 58 минутда бир киши ўлдирилади, ҳар 34 минутда зўрланш, ҳар олти минутда талаш, ҳар тўрт минутда ҳужум қилиш, ҳар минутда катта ўғрилик, ҳар 39 секундда қулфни бузиб қилинган ўғрилик содир бўлмоқда.

24 июль. (ТАСС).

Дубнада халқаро кенгаш

ДУБНА, 24 июль. (ТАСС). Бугун Ядро тадқиқотлари бирлашган институтида ядро реакторларидаги тажриба халқа установкаларига бағишланган халқаро илмий кенгаш очилди. Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Хитой, Корея Халқ Демократик Республикаси, Польша, Руминия, Чехословакия ва Совет Иттифоқи олимлари кенгашда қатнашмоқдалар.

Тажриба халқа синовлари методикаси — ҳозирги вақтда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишнинг асосий йўлларидан бири бўлган ядро энергетикаси учун катта аҳамиятга эгадир. Энг яхши иссиқлик манбаларини ҳамда иссиқлик берувчи элементлар конструкцияларини танлаб олиш мақсадида ўтказиладиган тадқиқотлар реакторлардаги халқа установкалари ёрдами билан муваффақиятли амалга оширилади, шунингдек материаллар конструкциясининг сифати текшириб кўрилади.

Ядро тадқиқотлари бирлашган институтига аъзо бўлган давлатларнинг атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш проблемалари устида иш олиб бораётган олимлари реакторлардаги халқа синовларининг методикаси зўр актуал аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, илмий техника ахборотларини кенг кўламда айирбошлашга, шу йўлда олиб борилаётган тадқиқот ишларини координациялашга интилмоқдалар. Дубнада иш бошлаган кенгаш ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади. Кенгаш атомдан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида социалистик мамлакатлар амалга ошираётган кенг кўламда ва кўп томонлама ҳамкорлик программасининг бир қисмидир.

СССР Министрлар Совети Атом энергиясидан фойдаланиш давлат комитетининг топшириғига биноан кенгашни Давлат комитетининг аъзоси Н. А. Николаев очди.

Институт вице-директори профессор Гейнц Бювих (Германия Демократик Республикаси) Ядро тадқиқотлари бирлашган институти дирекцияси номидан кенгаш қатнашчиларига қарата қисқача табрик нутқи билан мурожаат қилди.

Кенгашда «Тажриба халқа установкалари» деган темада совет олими В. В Гончаров биринчи бўлиб доклад қилди.

Монтиньяда қонли воқеалар

ПАРИЖ, 24 июль. (ТАСС). Мецдан (Мозель департаменти) бир неча километр масофада жойлашган ва унча катта бўлмаган Монтинья шаҳри бугун кечаси қонли воқеалар жойига айланди. Монтиньяда жойлашган 11-енгил парашютчи дивизияга қарашли парашютчи полкларидан бирининг солдатлари 24 июлга ўтар кечаси шу шаҳарда яшаётган ва ишлаётган жазоир миллатидаги гражданларга чинакам оғ ташкил қилдилар.

Бу воқеа шаҳардаги кафелардан бирида ташкил этилган муштлашишдан бошланиб кетди. Шу муштлашиш вақтида жазоирлик бир киши ўлдирилди. Франс Пресс агентлигининг хабар беришича, икки юз кишидан ортиқ бўлган парашютчилар группаси «штурмга», «штурмга» деб бақириб, жазоир миллатидаги гражданлар яшайдиган маҳаллаларга ҳамла қилганлар ва дуч келган жазоирликларни вахшийларча урганлар. Парашютчилар жазоирликларнинг баъзиларини Мозель дарёсига ташлаганлар.

Ҳаддан ошиб кетган ирқчилар полициядан ҳам, ҳарбий жандармериядан ҳам қўрқмасдан, дуч келган жазоирликни ура берганлар. «Қизил крест» санитария машиналари ва ўт ўчириш машиналари эса уларнинг кетидан бориб, ярадорларни тўплаган ҳамда шаҳар касалхонасига олиб кетган.

Ирқчиларнинг ана шу йиртқичлиги натижасида тўрт киши ўлган ва 17 киши оғир ярадор бўлган. Маъмурлар парашютчиларни тийиб қўйиш учун бутун Мец райони полициясини ва ҳарбий жандармчиларни шошилинч равишда сафарбар қилишга мажбур бўлдилар. Шаҳардаги соқчи отрядлар кучайтирилди.

БИЗЕРТАДА АҲВОЛ

ТУНИС, 24 июль. (ТАСС). Бизертадан хабар берилишича, шаҳарнинг французлар ишғол қилган қисмида француз ҳарбийлари бебошлик қилмоқда. Тунис матбуот агентлигининг таъкидлашича, француз солдатлари бандитлик ва талончилик билан шуғулланмоқдалар. Шаҳарда ичиладиган сув жуда танқис бўлиб, электр таъминоти издан чиққан, озиқ-овқат кризиси хавфи туғилган. Шаҳарнинг коммунал хўжалиги корхоналари ишламайди. Кўчаларда артиллерия ўти билан қўпориб ташланган дарахтлар ва фонарь устунлари ағанаб ётибди.

Кўп аҳоли шаҳарга газламадан ясалган ниқоб кийиб чиқмоқда, чунки жазирама қуёш нурлари остида тез чириб бораётган жасадларнинг қўланса ҳидига чидаб бўлмайди.

Шаҳарга борадиган кўчаларда француз солдатлари ва танклари соқчилик қилмоқда.

СОВЕТ ПАРАШЮТЧИЛАРИНИНГ ЖАҲОН РЕКОРДИ

ГОМЕЛЬ, 24 июль. (ТАСС). Гомель аэроклубининг парашютчи спортчилари Саприков, Носов, Гулевич, Дашук ва Лашкевичлар 1000 метр баландликдан группа бўлиб сакраш ва белгиланган жойга аниқ қўниш бўйича жаҳоннинг янги рекордини қўйдилар. Улар доира марказидан 2 метр 11 сантиметр нарига қўниб, шу йил 21 майда Югославия парашютчилари қўйган аввалги жаҳон рекордини яхшиладилар.

КУБА РЕВОЛЮЦИЯСИ ЕНГИЛМАСДИР!

Куба Республикасида 1961 йил маориф йили деб эълон қилинган. Еш кўнгилли ўқитувчилар саводсизликни тугатиш учун барча кучларини аямай сарф ламоқдалар. Бу ерда ҳамма — болалар, ёшлар ва кексалар ўқимоқда. Яқинда республика пойтахти Гаванада ўқиш ва ёзишни ўрганган мингларча кубаликларга гувоҳномаларни тантанали суратда топшириш маросими бўлди. Суратда: республика бош министри доктор Фидель Кастро кўнгилли ўқитувчилар ва хатсавод ўрганган кишилар олдида нутқ сўзламоқда. Пресс Латин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

1:59 йил январь ойининг бошларида қўзғолончилар армияси Кубанинг пойтахти Гавана шаҳрига кириб келди. Батиста қочиб кетди. Февраль ойида эса ўнг келишувчи элементлар—Уррутиа (президент), Кардона (бош министр) ва бошқалар давлат аппаратидан ҳайдаб юборилди. Адвокат Освальдо Дортикос президентлик лавозимини эгаллади. «26 июль ҳаракати»нинг бошлиғи Фидель Кастро эса бош министр бўлиб қолди.

Куба революциясининг 1 ва 2-босқичи—антиимпериалистик ва антифеодал босқичлари амалга оширилди. Ҳокимият бутунлай антиимпериалистик ва антифеодал ватанпарвар кучлар қўлига ўтди. Революцияни ҳаракатга келтирувчи кучлар ҳам аниқ бўлиб қолди. Булар—ишчилар, камбағал ва ўрта ҳол деҳқонлар, шунингдек шаҳар майда буржуазиясининг радикал табақаларидан иборатдир. Уларни интеллигенция ҳамда миллий буржуазиянинг ватанпарвар табақалари қизғин қўллаб-қувватладилар.

Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ишчилар синфи, Фидель Кастро айтганидек, асосий ва ҳал қилувчи факторга айланиб қолди. Давлатни бошқаришнинг республика формаси ўрнатилди. Яна граждан эркинликлари эълон қилинди. Ҳукумат Батиста ва унинг шерикларига тегишли бўлган барча мол-мулкларни мусодара қилди. Корхоналарда ишчи контроли ўрнатилди. Давлат ишчиларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларини гарантия қилиб қўйди. Мамлакатда аграр реформани амалга ошириш учун тайёргарлик кўриш эълон қилинди. Бу эса айниқса деҳқонларни хурсанд қилди ва уларнинг активлигини ошириб юборди.

Бу тадбирларнинг барчаси халқнинг ватанпарвар кучларини ягона миллий фронтга янада маҳкамроқ жипслаштирди. Ишчилар синфи ва деҳқонлар ўртасидаги иттифоқ миллий фронтининг асосини ташкил этади. Бу фронтнинг ўз сиёсий раҳбари бўлиб, унга «26 июль ҳаракати» бошчилик қилди. Бу ҳаракатда маркса халқ-социалистик партияси актив равишда ташкилий ва тушунтириш ишлари олиб борди. Бу партиянинг ўз армияси ҳам бор эди.

Революцион кучлар қўлидаги сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаб бориш шароитида революциянинг анти-империалистик босқичини туғаллаш ҳамда социал-иқтисодий соҳада ўзгаришлар ясаш имкони туғилди. Чет эл монополияларининг корхоналари ёппасига национализация қилинди. 1960 йил 6 августда 26 та Америка компанияси, шу жумладан нефтни қайта ишловчи ва қанд заводларининг ҳаммаси, АҚШнинг энергетика ва телефон монополиясининг мол-мулклари, «Юнайтед Фрут компани»нинг ҳамма мулклари ва бошқалар национализация қилинди. Бу корхоналарнинг умумий қиймати 600 миллион долларни ташкил этади.

Мамлакатнинг ташқи савдосида ҳам чет эл капиталининг ҳукмронлик қилишига чек қўйилди. Ҳукумат ер реформасини ўтказди. 1959 йил 3 июнда кучга кирган ер ислоҳоти тўғрисидаги қонунга биноан ерлар латифундитлардан сотиб олинди ва деҳқонларга бўлиб берилди. Ҳаммаси бўлиб 1 миллион гектардан ортиқ ер қайтадан тақсимланди.

Мамлакатнинг сиёсий ва хўжалик ҳаётида меҳнаткашлар оммаси тобора катта роль ўйнамоқда.

Куба революцияси халқ манфаатларини ҳамда мамлакатнинг миллий мустақиллигини ҳимоя қилиб, ўз тараққиётининг янги даврига—демократик даврига қадам қўйди.

Маҳаллий капиталистларнинг 500 дан ортиқ йирик корхоналари яқинда национализация қилинди. Ҳозирги вақтда мамлакатдаги саноат ишлаб чиқаришининг 70 процентдан кўпроғи давлат қўлида марказлашгандир. Ер майдонларининг ярмидан кўпи давлатнинг ҳамда олий типдаги кооперативларнинг қўлида бўлиб, бу кооперативларнинг аъзолари ердан умумий ва коллектив равишда фойдаланадилар. Давлат ва жамият корхоналарида 80 процентдан ортиқ ишчилар меҳнат қилмоқда. Кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишини бутунлай бекор қилиш масаласи ҳозир кун тартибида турибди.

Ҳозирги вақтда Куба ҳукумати ишчилар, деҳқонлар ва майда буржуазия вакилларидан иборатдир. Ишчилар синфи билан деҳқонларнинг иттифоқи революцион ҳукуматнинг асосий таянчи ҳисобланади.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев шу йилнинг 22 апрелида АҚШ президенти Кеннедига юборган ўз хатида айтганидек, бугунги Куба—ишчилар, деҳқонлар ва интеллигенция Кубасидир, бу—миллий қаҳрамон Фидель Кастро бошчилигидаги революцион ҳукумат атрофига маҳкам жипслашган халқдир.

Куба халқи ўзининг асосий вазифаси ҳозирги вақтда революцияни ҳимоя қилиш ва уни янада ривожлантиришдан иборат эканлигини очиқ-ойдин эътироф қилмоқда. Шу муносабат билан Куба халқ-социалистик партиясининг VIII съезди ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш, миллий-саноат ва экономикани кенгайтириш, ватанни ҳамда революция ғалабаларини ҳимоя қилиш, доимо ҳушёр бўлиб туриш ва кишиларнинг революцион онгини оширишга чақирди.

Мамлакатнинг ишчилар синфи зўр ғайрат ва кўтаринки руҳ билан меҳнат қилаётир. Ишчилар ўз иш ҳақларидан 4 процентини бир неча йиллар давомида саноатни тараққий эттириш учун, шунингдек ишсизларни иш билан таъминлаш ҳамда мамлакатнинг миллий саноатини ва мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида йиғиб боришга қарор қилдилар.

Куба ҳукумати мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиғини мустаҳкамлаш йўлида жуда кўп ишларни амалга оширмоқда. Давлат бюджетининг каттагина қисми экономикани ривожлантириш мақсадлари учун ажратилди. Мавжуд ресурслардан энг рационал фойдаланиш учун экономика тараққиётини планлаштириш мўлжалланди. Мамлакатни ривожлантиришнинг 1962—1965 йилларга мўлжалланган 4 йиллик плани ишлаб чиқилмоқда.

Куба экономикасини мустаҳкамлашда бошқа давлатлар билан бўладиган, ўзаро тенг ҳуқуқларга асосланган савдо муносабатлари ва биринчи галда СССР, Польша, Чехословакия, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа социалистик мамлакатлар билан тузилган савдо-сотиқ битимлари катта аҳамиятга эгадир. 1960 йилнинг 13 февралида Куба 20 йилга мўлжаллаб юз миллион доллар қарз олиш тўғрисида Совет Иттифоқи билан битим тузди. СССР беш йил давомида Кубадан ҳар йили 1 миллион тонна қанд сотиб олади. Бундан ташқари, Совет Иттифоқи Кубага турли асбоб-ускуналар етказиб беради.

Куба халқи тинчликсевар халқдир. У эркин ва мустақил бўлиб яшашни, бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўст бўлиб яшашни истайди. Куба ҳукумати ўз ташқи сиёсатида ҳамиша тинчлик сиёсатига амал қилмоқда, барча мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қилмоқда.

Бироқ, Американинг ҳукмрон доиралари Кубанинг озод ва мустақил бўлишини истамаётирлар. Улар Кубадаги ўзларининг сиёсий ва экономика соҳаларидаги позицияларидан бутунлай маҳрум бўлиб қолдилар.

Шу кунларда Америка ҳукумати ўз давлат аппаратининг юқори мансабдаги амалдорлари билан, турли партияларнинг вакиллари, бир қатор Латин Америкаси мамлакатларининг дипломатик вакиллари, шунингдек АҚШ га қочиб борган Варона, Кардона сингари Куба халқининг хоинлари билан биргаликда яширин равишда учрашувлар ўтказмоқда. Кубага қарши янги авантюра уюштириш планлари ишлаб чиқилаётир.

Лекин шунга қарамай, қаҳрамон Куба халқи империалистлар таҳдидидан қўрқмасдан, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги йўлида астойдил кураш олиб бормоқда. Куба халқ революцияси сира енгилмасдир!

Жаҳон халқлари тинчликсевар Куба республикасини актив равишда қўллаб-қувватламоқдалар ва Куба халқининг революцияси тўла ғалаба қилишига зўр ишонч билан қарамоқдалар.

Р. ТУЗМУҲАМЕДОВ,
юридик фанлар кандидати.

Куба Республикасидаги Сапата ярим ороли чуқур ботқоқликлар билан қопланган эди. Куба революцион ҳукумати бу ботқоқликни қуритиш юзасидан катта ишларни амалга оширди. Бу ерда денгизга чиқиш учун йўл қурилди. Ярим оролда туристик марказлар ташкил этилди. Суратда: Сапата ярим оролида ботқоқликни қуритиш ишлари амалга оширилмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

Етти йиллик янгиликлари

ҚЎЙЛАР УЧУН АРАЛАШ ЕМ

Қиш ва эрта кўклам пайти қўйчиликдаги энг оғир даврдир. Ана шу даврда ем-хашак етишмаганлиги нәтижасида баъзан кўпгина моллар нобуд бўлади. Чорва молларга кунжара едириладн, аммо бир хил озуқа ҳамма зарур моддаларга бўлган эҳтиёжни қондиролмайди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг Чорвачилик илмий тадқиқот институти қўйчиларга яхши совға тайёрлади. Институтнинг илмий ходими Г. Осичкин Ўрта Осиё шароитини ҳисобга олиб, қўйлар учун аралаш емнинг рецептини тайёрлади. Бу ем таркибига чигит кунжараси, арпа, буғдой ун кепаги, минераллар, витаминлар, пичан уни, шунингдек антибиотик ҳам киради. Антибиотик чорва молларни боқишда стимулятор моддаси ролини ўйнайди ва ёш моллларнинг касал бўлишига қарши ишончли профилактика воситаси бўлиб хизмат қилади.

Г.Осичкин янги емнинг қандай натижа беришини тажрибада текширди. Бўрдоқига боқиладиган қўйлар ҳар кечакундузда ўрта ҳисоб билан 220 граммгача семирди. Аралаш ем билан боқилган қўйларнинг тирик вазни ўрта ҳисобда 65 килограммни ташкил этди, яъни белгиланганидан 20 процент ортиқ бўлди. Баъзи қўйларнинг тирик вазни 80 килограммгача етди.

Бу йил кузда янги аралаш емни кенг кўламда текшириш мўлжалланади. (ЎзТАГ).

ФИЗИК ТАДҚИҚОТ «КОМБАЙН»И

Латвия Давлат университетининг физика-математика факультетида уникаль аппарат — «Релаксацион комбайн» яратилди. Бу аппарат чала ўтказгич материалларнинг оптик ва электр хусусиятларини автоматик равишда ўлчайди. Оптик ва радиоэлектрон мосламалардан иборат бўлган мазкур установка тадқиқот ишларини одатдаги методларга қараганда 50-100 марта тезроқ бажариш имконини беради. «Релаксацион комбайн» ёрдамида 30 минут давомида қаттиқ жисмда содир бўладиган электрон процессларни акс эттирувчи 50 та спектраль сурат олиш мумкин.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ҲУРМАТГА ЛОЙИҚ КИШИЛАР

Тошкент товар станциясида коллективдаги энг яхши кишиларни ҳурмат дафтарига ёзиш традицияга айланиб қолган. Ҳурмат дафтари тутилганидан бери, унга 50 га яқин кишининг номи ёзилди. Коллектив орасида бундай ҳурматга сазовор бўлиш учун ҳаракат қилаётганлар кундан-кунга кўпаймоқда. Яқинда ҳурмат дафтарига янги номлар ёзилди. Улар орасида коммунистик бригадасининг бошлиғи У. Султонов, коммунистик меҳнат зарбдорлари И. Данилов, Х. Абдубакиров ва У. Раҳимов ўртоқлар бор.

А. Пашкова.

УЧ КИШИНИНГ БИРИ КУТУБХОНА АЪЗОСИ

Оҳангарон шаҳрида китоб дўстлари жуда кўп. Бу ерда 4 та шаҳар ва 13 та касаба союз кутубхоналари меҳнаткашларга намунали маданий хизмат кўрсатиб турибди. Китобхонлар талабини ҳисобга олиб, ҳар бир кутубхона ўз атрофидаги кварталларга оталик қилишни ўз устига олди. Бу тадбир яхши натижа берди. Ҳозир шаҳардаги ҳар уч аҳолининг бири кутубхона аъзосидир.

Ф. Петров.

ҲАР КАСБНИНГ ЎЗ ГАШТИ БОР

Эрта тонг. қуёш эндигина ўз ётоғидан бош кўтарган. Ўз вазифасини бажаришга барвақт киришган Миржамол ака янги газета ва журналлар, хат-хабарлар солинган сумкасини кўтариб, хонадонлр томон йўл олади. Миржамол Саъдуллаев 34 йилдан бери почтада ишлайди. Ҳар касбнинг ўз гашти бор деганларидек, у ўз вазифасини севади. Шу туфайли почтальон республика алоқа министрлигининг қимматли мукофотларини бир неча марта олишга муяссар бўлди.

Ҳозир Миржамол ака Тошкентдаги 11-алоқа бўлимида почтальон вазифасида ишлаб, Домбрободдаги бир неча минг аҳолига хизмат қилмоқда. Бу камтар алоқа ходимининг портрети Тошкент «Главпочтамт»и ҳурмат тахтасидан ҳам жой олган.

Р. Аминов.

Суратда: «Баҳор» қизлари ўзбек миллий халқ рақсини ижро этишмоқда.

А. Абалян фоторепродукцияси.

„БАҲОР“

Яқинда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори билан «Баҳор» халқ рақс ансамблига «Ўзбекистон ССР Давлат халқ рақс ансамбли» деган фахрли ном берилди. Ансамбль коллективи бу юксак номга бир неча йиллик ижодий меҳнат туфайли сазовор бўлди.

«Баҳор» ансамблининг биографияси ҳали унчалар мураккаб эмас, унинг составида ҳали халқ артистлари, республикада хизмат кўрсатган рақкосалар йўқ. Ўёғини сўрасангиз, ансамблнинг энг кичкина артистлари ҳали паспорт ҳам олишмаган. СССР халқ артисткаси Мукаррама Турғунбоева бу ансамблни ташкил қилганида мамлакатимиз кенг тамошабинлар оммасини ва чет эллиқ дўстларимизни бой ўзбек миллий хореография маданияти билан таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Ансамблнинг биринчи программаси 1957 йилда яратилди. Унга миллий классик традицияларни ўзида акс эттирган Фарғона, Бухоро, Хоразм, Наманган ва Қорақалпоғистон халқ рақслари киритилган эди. Бу рақслар мазмуни Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида озод ҳаётга эришган ўзбек хотин-қизларининг бахт-саодатини ифодалайди. Бу программага республикада хизмат кўрсатган артист И. Оқилов, республика санъат арбоби Е. Барановский ва Озарбайжон ССР халқ артисти А. Дилбози ўртоқларнинг ҳам катта ижодий ҳиссаси қўшилган.

Ансамбль 1958 йилдан бошлаб Совет Иттифоқи бўйлаб гастроль сафарига чиқади. Уни Москва, Ленинград, Карелия АССР, Литва, Латвия, Эстония, Украина, Узоқ Шарқ, Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Донбасс, Сочи, Қирғизистон, Қозоғистон ва бошқа жойларнинг тамошабинлари қизғин кутиб олдилар. «Баҳор»нинг айрим артистлари Варшава, Москва ва Венада бўлиб ўтган ёшлар ва студентларнинг халқаро фестивали даврааги номини олишга муяссар бўлдилар. Ўз санъати билан кўпчиликни мафтун этган раққосаларимиз совет санъати усталари группаси составида Афғонистон, Корея Халқ Демократик Республикаси, Ҳиндистон, Вьетнам Демократик Республикаси, Шотландия ва Африкага ҳам гастролга бориб келишди. Раққоса қизларимиз қаерга гастроль сафарига боришмасин, узларнинг дилрабо ўйинлари билан тамошабинлар қалбини забт этишди.

Бундай муваффақиятларнинг сири шундаки, ансамблдаги ҳар бир раққоса ёшликдан санъатга меҳр қўйган ҳаваскорлардир. Улар Тошкентдаги хореография билим юртида малакали таълим олиб, ижодий камолат йўлига чиқиб олишган. Биз бу ерда коллективдаги бирорта раққоса қизнинг фаолияти тўғрисида фикр юритишга қийналамиз. Чунки, уларнинг ҳаммаси ҳам бир-биридан қолишмайдиган санъаткорлардир.

«Баҳор» ҳақида гап кетганда унинг бадиий раҳбари Мукаррама Турғунбоеванинг катта ижодий меҳнати кўз олдимизга келади. Машҳур раққосани бу ансамблнинг юраги десак бўлади. Мукаррама Турғунбоева «Баҳор» раққосаларини тарбиялаб камолатга етказиш учун ўзининг бутун куч ва билимини аямай сарфлаб келмоқда. У коллективнинг ҳар бир аъзосига ниҳоятда талабчан. Шунинг учун ҳам саҳнада ижро этиладиган ҳар бир номер мазмунли ва жозибали бўлиб чиқади.

«Баҳор» ансамблининг эришган муваффақиятида музикачилар коллективининг ҳам хизмати катта. Улар қизларнинг ҳар бир ҳаракатига мос ёқимли куйларни усталик билан ижро этиб, дилрабо рақсларга қанот боғлайдилар.

Ҳозир ижодий коллективимиз бутун совет халқи қатори партиямиз XXII съездига пешвоз чиқиб, бу тарихий кунга атаб янги ижодий номерларни тайёрламоқда. Янги программамизни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси съезди ва Ўзбекистон Компартияси съезди кунларида тамошабинларга кўрсатиш ниятидамиз. Бу программада қирғиз, қозоқ, корейс, араб рақслари, ҳозирги замон темасидаги ҳазил рақслар ва совет хотин-қизларининг бахтиёр турмушини, қаҳрамонона меҳнатини қўйловчи бошқа рақслар ўз ифодасини топади.

Ижодий коллективимиз Ўзбекистон ССР Давлат халқ рақс ансамбли деган фахрли номга муносиб бўлиш учун бундан бўён ҳам ўз маҳоратини тинмай ошириб, ўзбек санъатини ривожлантириш ва коммунистик жамият қураётган халқимизга намунали маданий хизмат кўрсатиш ишига муносиб ҳисса қўшади.

Софья КАРАКАШ,

Ўзбекистон ССР «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамблининг концертмейстери.

ФУТБОЛ

ЖУДА МУҲИМ ҒАЛАБА

Турнир жадвалида ёнма-ён турган «Пахтакор» билан «Спартак» (Ереван) ўртасида кеча бўлган учрашув тошкентликлар учун мавсумдаги энг масъуллиятли ўйин эди. Ўзбек спортчилари агар шу матчда ҳам ғалаба қилолмасалар бутун йил бўйи астойдил курашиб қўлга киритган катта муваффақиятни бой бериб қўяр, тўғриғоғи «кучли бешликлар» сафида қолишдек шарафдан маҳрум бўлар ва ниҳоят биринчи даврадаги мағлубият учун («Пахтакор» Ереванда 2:4 ҳисоби билан ютқазган эди) «ўч» ололмай қолар эдилар. Хуллас, майдон эгалари учун икки очко «сув билан ҳаводай» зарур эди.

Буни яхши тушунган ҳамшаҳарларимиз жон қуйдириб, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб ўйнадилар. Матчнинг деярлик бошидан охиригача меҳмонларни штраф майдонига қисиб қўйдилар. Кураш пахтакорчиларнинг катта устунлиги билан ўтди. Лекин «Спартак» ҳимоясининг ғоят мустаҳкамлиги узоқ вақт ҳисобни очишга имкон бермади. Ўйин тамом бўлишига 5 минут қолгандагина тўп дарвозага киритилди. «Пахтакор»нинг жуда муҳим ғалабасини таъминлаган бу ягона голнинг автори Г. Красницкий бўлди. Шундай қилиб «Пахтакор» 21 очко тўплади ва 4-ўринга кўтарилди.

С. МУСАЕВ.

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

ГРУЗИН АДАБИЁТИНИНГ КЛАССИГИ

Грузин адабиёти классиклари орасида Важа Пшавела (Лука Разикашвили) ўзининг босиб ўтган бутун ҳаётий ва ижодий йўли билан, юксак истеъдод ва шахсий мардоналиги билан алоҳида ажралиб туради. Санъаткорнинг бутун ҳаётий ва ижодий йўли XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг бошларида Грузияда сиёсий қарама-қаршиликлар ниҳоятда кучайган ва шу асосда революцион курашлар жонлана бошлаган бир даврга тўғри келди.

Шунинг учун ҳам асли номи Лука Разикашвили бўлган шоир ўзига «пшавеялик мард» — Важа Пшавела деган таҳаллусни қабул қилган. Ҳақиқатан ҳам санъаткорнинг қирққа яқин эпик поэмаси, тўрт юзга яқин шеърлари, юзга яқин пьеса ҳамда кўплаб очерк ва мақолаларига диққат қилинса, инсон мардлиги ва қаҳрамонлиги намойиш қилинганлиги кўзга ташланади.

Важа Пшавела 1861 йилнинг 26 июлида Грузиянинг Пшава деган тоғлиқ бир қишлоғида туғилади. У дастлаб Тбилисида, сўнгра Горида ўқийди. Важа ана шу мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ шеър ва очерклар ёза бошлади.

1883 ва 1884 йилларда Петербург университетига бориб, ихтиёрий тингловчилар қаторида билим олади. Кейинчалик ўз ватанига қайтгач, ўқитувчилик билан шуғулланади. Бу вақтда биринкетин дунёга келабошлаган асарлари аввал маҳаллий газета ва журналларда, сўнг эса алоҳида тўплам тарзида нашр этила бошлади.

Важа Пшавела ижоди асосан 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб шуҳрат топади. Бу даврда Илья Чавчавадзе ва Акакий Церетели каби талантли шоирларнинг ўз халқи миллий озодлик-курашини ифодаловчи шеърлари бутун Грузия бўйлаб жаранглаб эшитилмоқда эди. Бу даврда ҳали ёш, аммо талантли шоир сифатида танила бошлаган Важа ҳам ўз халқи ва ўз ватанининг озодлиги учун ўзининг янгроқ ва жанговар овози билан кураш бошлаган эди. У Илья Чавчавадзе ҳамда Акакий Церетели томонидан олға сурилган илғор ғояларни янада чуқурлаштиришга, ўз халқи ва ватанининг порлоқ истиқболи учун дадил курашишга бел боғлади. Унинг бутун асарларида инсон эркинлиги масаласи асосий масалалар сифатида кенг ўрин олди.

Важа Пшаволадаги ғоят юксак талант, ўзига хос санъаткорлик унинг бирин-кетин яратган шеърларида, айниқса, қатор поэмаларида кўзга яққол ташланиб туради. У фақат грузин адабиёти тарихидагина эмас, балки жаҳон адабиёти тарихида ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди.

Шоир бутун ҳаёти ва ижоди билан халқ манфаати, ватан истиқболи йўлида кураш олиб борди. Халқ ичига кириб, ҳаётнинг барча тармоқларини синчиклаб ўрганди; ўз халқи билан бирга одимлаб, бирга меҳнат қилди, бирга курашди. Шу билан бирга халқ томонидан яратилган ажойиб фольклор дурдоналарини севиб ўрганди, уни ижодий ишлаб, ўлмас бадиий шедеврлар яратди. Унинг «Этери», «Меҳмон ва мезбон», «Копада» каби ўнлаб поэмалари грузин халқининг қадимий бой халқ оғзаки ижодиёти материаллари асосида яратилган туғилган ғоят етук асарлардир.

Важа асарларининг қаҳрамонлари кўпинча табиат ва ҳайвонлар дунёси фонида, улар образида гавдалантирилсада, аслида ана шу символик образлар орқали, уларнинг характери ва кураши орқали XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср бошларидаги грузин халқи ҳаётида юз берган ўзгаришлар, ўша даврдаги турли хилдаги ички ва ташқи қарама-қаршиликлар умумлаштириб берилади. Авторнинг барча асарларида инсонни ҳимоя қилиш мақсадида инсонларнинг ўзаро дўстликда, тинчлик ва осойишталикда яшаши тарғиб қилинади. Ёвуз кучларга қарши биргалиқда кураш олиб бориш лозим деб ўқтиради. Бу ғоя қуруқ сафсата билан эмас, балки ҳаётий-тарихий факт ва далилларда, фалсафий мушоҳда ва хулосаларда ишончли қилиб кўрсатилади. Санъаткор томонидан яратилган «Алуда Кетелаури», «Копала», «Бахтириони», «Илонхўр» каби асарлар худди шу ғояни олға суради.

Шуни ҳам айтиш керакки, Важа ўзининг фақат поэтик асарлари билангина шуҳрат топмай, балки қатор прозаик асарлари, очерк ва драмалари орқали ҳам юксак талант эгаси эканлигини намойиш қила билди.

Важа асарлари жуда ҳам юксак бадиийлик, чуқур ғоявийлик билан суғорилгани учун у грузин адабиётининг энг машҳур классиклари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга лойиқ бўлган.

Важа Пшавела 1915 йил 9 августда вафот этди. Аммо унинг номи ва асарлари Октябрь революцияси туфайли озод бўлган насллар қалбида севиб тилга олиниб келмоқда.

М. СОБИРОВ,
М. МАҚСУДОВ.

Болалар тўғрисида ғамхўрлик

Полиомиэлит болалар учун хавфли касал ҳисобланади. Бу касал ўз вақтида даволанса ҳам баъзан боланинг айрим аъзоларида (масалан, қўл ва оёқларида) асорат қолдириши мумкин.

Ана шу касаллик асоратига дучор бўлиб қолган болалар учун ўзига хос шароит ва алоҳида парвариш талаб қилинади. Шуни ҳисобга олиб, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими Улуғбек массивида болалар боғчаси, Чимбой массивида эса мактаб-интернат очди. Бу боғча ва мактаб-интернатда полиомиэлит асорати қолган болалар алоҳида шароитда тарбияланишлари билан бирга, ўқиб фан асосларини ҳам эгаллайдилар. Бу ғамхўрлик учун мазкур болаларнинг ота-оналари партия ва ҳукуматимиздан беҳад миннатдор бўлмоқдалар.

Ю. АХРОРОВ.

Телевизор □ экранида

26 ИЮЛЬ — ЧОРШАНБА

19.00. — Ўзбек тилида «Мактаб томорқасида» деган телеочерк.

19.15. Телевизион янгиликлар.

19.35. Куба халқининг қаҳрамонона курашига бағишланган эшиттириш.

19.50. Ёшлар учун эшиттириш. М. Ю. Лермонтов ҳалок бўлган кунининг 120 йиллигига бағишланади. «Ўлмас поэзия саҳифалари» ва «НФИ сири».

21.35. Қишлоқ хўжалик ходимлари учун ўзбек тилида «Ҳар бир дақиқа ғаниматдир» ва «Оренбургдаги қўйчивонларнинг ҳикояси» деган эшиттириш.

22.00. — «Йўлнинг охири». — Чехословакия киноповести.

Бекобод район 1-«Далварзин» совхозидаги 180 гектарлик боғ ичида совхоз ишчилари учун дам олиш уйи қурилмоқда. Боғбон Ёқубжон Исабоев дам олиш уйи атрофини кўкламзорлаштириш, гулзорга айланти риш учун жон куйдириб ишламоқда. Суратда: ўртоқ Ё. Иса боев гуллар орасида.

М. Комлев фотоси.

ТОШКЕНТНИНГ *тамоша золарида*

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Бешинчи бўлим — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Бизнинг йигитлар — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Номаълум аёл — «ВАТАН», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Бедарак кетган —«ОКТЯБРЬ» (кеч соат 9-15 минут ва 11 да).

Яна тонг отди — «ПОБЕДА» (кеч соат 9-15 минут ва 11 да).

Бешинчи бўлим — НАВОИЙ номли, ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 9-15 минут ва 11 да).

Бизнинг йигитлар — «УДАРНИК» (кеч соат 9-20 минут ва 11 да).

Номаълум аёл — «ВАТАН» (кеч соат 9-15 минут ва 11 да), КАФАНОВ номли (кеч 9-10 ва 10-50 минутда), ПУШКИН номли (кеч 9 ва 10-45 минутда).

«АГРОЛЕСОПРОЕКТ» ЎРТА ОСИЕ ЭКСПЕДИЦИЯСИГА

гидротехник инженерлар, геодезист техниклар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Кафанов кўчаси, 54-уй

ТОШКЕНТ ГРАМПЛАСТИНКАЛАР УЙИ

Ш. Руставели кўчаси, 43-уйдан

Луначарский шоссе, 15-уйга

кўчди

(1, 2, 4, 8-автобус, 3-трамвайнинг «Пушкин майдони» остановкаси)

ЧИРЧИҚ ИНДУСТРИАЛ ТЕХНИКУМИГА

штатли педагогика ишига:

инженер-электрик, инженер-кимёгар, экономист, жисмоний тарбия ўқитувчиси

керак

Адрес: Чирчиқ шаҳар, Юқори социалистик шаҳарча, Индустриал техникум.

Тошкент темир йўлининг

I-ЮК ОРТИШ-ТУШИРИШ КОНТОРАСИ

Юкчилар қабул қилади

Юкчилар темир йўлчиларга бериладиган имтиёзлардан фойдаланади. Елгиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Тошкент шаҳар, Саларское кўчи кўчаси, 6-уйда (ховлида) кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин Телефон-коммутатор 26-030, қўшимча телефон 21-89, 44-59.

ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИГА

инженерлар ва техниклар, электросварначилар, қолипчилар (кўлда ва машинада), **тонарлар, фрезерчилар, уснуна ремонт қилувчи слесарлар, металл конструкциларни йиғувчи слесарлар, электромонтёрлар, ёрдамчи ишчилар, электросварначи шогирдлари ва қолипчи шогирдлари**

керак

Огородная кўчаси, 15-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин (4, 5-троллейбус, 21-автобусинг «Заводская» остановкаси).

К. Е. Ворошилов номли

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

темирчилар, темирчи дасёрлари, электросварначилар, қолипчилар, металл эритувчи-қуювчилар, фрезерчилар, автоматчи-токарлар, тунукасозлар, токарлар

керак

Адрес: Сельмаш кўчаси, 2-уй (4-трамвай ва 10 автобуснинг «ТашМИ», 8-автобуснинг «Сельмашзавод» остановкаси).

Самарқанд дарвоза кўчаси, 28-уйда турувчи **Иброҳим Рихсиев**нинг Кичик Қозировот, Қизил гул проезд, 15-уйда турувчи Юбат Зонтовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Калинин район, Победа кўчаси, 22-уйда туувчи **Бусалия Миркаримованинг** Қосим Яритиевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Коммунистик кўчаси, 10-уй, 9-квартирада турувчи **Владимир Николаевич Еришев**нинг Саратов шаҳар, Богдан Хмельницкий кўчаси, 23-уй, 8-а квартирада турувчи Татьяна Николаевна Еришевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 26 ИЮЛЬ, 1961 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Секретариат — 34808 115. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.

09237. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри

Нашр. В. 1646.